



20 20 у « 16 » ноябр

№ Қ-1769

« » 20 г

+ Сурхондарё вилоят ҳокимининг 2020 йил 14 ноябрдаги “Вилоят ҳокимлиги ва туман (шаҳар) ҳокимликларида давлат тилида иш юритишни таъминлаш тўғрисида”ги Қ-624-сонли қарорининг ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон Фармонига мувофиқ, жамиятда ўзбек тилига (давлат тилига) ҳурмат-эътибор ва меҳр-муҳаббат муҳитини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш, ҳужжатлар айланиши давлат тилида бўлишини ҳамда лотин ёзувига асосланган янги ёзувга ўтиш, шунингдек, вилоят ҳокимининг 2020 йил 14 ноябрдаги Қ-624-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Сурхондарё вилоят ҳокимининг 2020 йил 14 ноябрдаги “Вилоят ҳокимлиги ва туман (шаҳар) ҳокимликларида давлат тилида иш юритишни таъминлаш тўғрисида”ги Қ-624-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

“Qumqo‘rg‘on tumani hokimining qarori” бланкаси 1-иловага мувофиқ;

“Qumqo‘rg‘on tumani hokimining farmoyishi” бланкаси 2-иловага мувофиқ;

“Qumqo‘rg‘on tumani hokimi” бланкаси 3-иловага мувофиқ;

“Qumqo‘rg‘on tumani hokimligi” бланкаси 4-иловага мувофиқ;

“Qumqo‘rg‘on tumani hokimligi xabarnomasi” бланкаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тумандаги ташкилот ва муассасалар мазкур қарорга асосан ўзларининг лотин алифбосига асосланган давлат тилидаги ҳужжатлар бланкаларини ишлаб чиқсин.

4. Туман ҳокимининг маслаҳатчиси Ғ.Муҳаммадиев туман ҳокимлиги ҳужжатларининг лотин алифбосига асосланган давлат тилида бўлишини яқин ва келгуси истиқболда босқичма-босқич амалга ошириш бўйича таклиф киритсин.

5. Туман телекоммуникация боғланмаси (А.Дониёров) туман ҳокимлиги аппарат раҳбар ва ходимлари компьютерларига крилл алифбосида ёзилган матнларни лотин алифбосига бехато ўгирадиган электрон дастур ўрнатилишини таъминласин.

6. Вилоят ҳокимининг мазкур қарори билан вилоят ҳокимининг 2017 йил 9 февралдаги Қ-40-сон қарори билан тасдиқланган Сурхондарё вилояти ҳокимлиги бошқарув аппаратида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги инобатга олинсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров



Туман ҳокимининг
2020 йил “16” ноябрдаги
К-1769-сонли қарорига
1-илова

“Qumqo'rg'on tumani hokimining qarori” бланкаси



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING
QARORI

Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

20__-yil “__” _____

_____ -son

Qumqo'rg'on t.



Туман ҳокимининг
2020 йил “ 16 ” ноябрдаги
5-1269 -сонли қарорига
2-илова

“Qumqo'rg'on tumani hokimining farmoyishi” бланкаси



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI QUMQO'RG'ON TUMANI HOKIMINING
FARMOYISHI

Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

20__-yil “__” _____

_____ -son

Qumqo'rg'on t.



Туман ҳокимининг
2020 йил “ 16 ” ноябрдаги
Қ-1289 -сонли қарорига
3-илова

“Qumqo'rg'on tumani hokimi” бланкаси



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI
HOKIMI**

Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

20__ -yil “ ___ ” _____

_____ -son

Qumqo'rg'on t.



Туман ҳокимининг
2020 йил “16” ноябрдаги
1769 -сонли қарорига
4-илова

“Qumqo'rg'on tumani hokimligi” бланкаси



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI
HOKIMLIGI

Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, gumhok@exat.uz

20__-yil “__” _____

_____ -son

Qumqo'rg'on t.



Туман ҳокимининг
2020 йил “ 16 ” ноябрдаги
Қ-1769-сонли қарорига
5-илова

“Qumqo'rg'on tumani hokimligi xabarnomasi” бланкаси



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI
HOKIMLIGINING
X A B A R N O M A S I**

Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exaf.uz

20__-yil “__” _____

_____ -son

Qumqo'rg'on t.